

---

## Қизил қиёқда 3.3 км асфальтлаш ишлари якунланиб, юқори кучланишли трансформатор пункти ўрнатиш, ёпиқ кабеллар тортиш ишлари олиб борилмоқда

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги 435-сонли қарорига мувофиқ маҳаллаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан Қизил қиёқ маҳалласида жами 3.3 км ички йўлларга асфальт ётқизиш, янги трансформатор ўрнатиш ва электр тармоқларини янгилаш ишларини амалга ошириш учун 2 млрд сўм маблағ ажратилган.

Бугунги кунда Қизил қиёқ маҳалла фуқаролар йиғини Янги обод, Ибрат-2, Янги ҳаёт кўчаларининг 3.3 км ички йўлларига асфальт ётқизиш ишлари якунланди.

Шунингдек, Янги ҳаёт, Ибрат кўчаларига 2.5 км ёпиқ электр кабеллари тортиш, 2 дона янги трансформатор пунктлари ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

2023-02-06 12:39:10